

# Халқ учун курашган қаҳрамон аждодлар



14:04 / 29.08.2025 910

Мустақил мамлакатда, озодлик ва осойишталик муҳотида яшаб, байрамлар қилар эканмиз, бу кунларни соғинган, бунинг учун курашган инсонлар беихтиёр ёдимизга тушади. Миллатнинг хотираси, ғурури, виждони борки, уларнинг фидойилиги беиз кетмайди, авлодлар томонидан ҳамиша эъзозланади.

Истиқлол байрами арафасида ўтадиган Қатағон қурбонларини ёд этиш кунда ана шундай теран моҳият мужассам.

Ушбу сана муносабати билан 29 август кунини Шаҳидлар хотираси хиёбонига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, зиёлилар йиғилди.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ватан фидойилари ҳақиға Қуръон тиловат қилинди. Элға ош тортилди.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда уламо ва зиёлилар билан тарихни ўрганиш ва ёшларга ўргатиш, мустақиллик ва тинчликни қадрлаш ҳақида мулоқот бўлди.

*– Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган ота-боболаримиз ҳақларига дуо қиламиз. Ватан учун, миллат учун, халқ учун курашган қаҳрамон аجدодларимиз жасорати биз учун доимо ибрат мактаби бўлиб қолади, – деди давлатимиз раҳбари.*

Маълумки, ўша машъум йилларда 100 мингдан зиёд бегуноҳ ватандошимиз қатағон қилинган. Минглаб юртдошларимиз “халқ душмани” деган ноҳақ айблов билан отиб ташланган, ундан ҳам кўпи сургун қилинган. Уларнинг ортидан минглаб аёллар бева, болалар етим бўлиб қолган. Орадан қарийб бир аср ўтган бўлса-да, ўша мудҳиш даврни чуқур изтироб билан эсга оламиз.

Булар бугунги эркин ҳаётимизни янада қадрлашга, мустақилликни мустаҳкамлашга ундаши таъкидланди.

*– Ватанимиз фидойиларини улуғлаш, хотирасини абадийлаштириш бўйича кўп ишлар қиляпмиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Сўнгги саккиз йилда 1 минг 200 дан зиёд жафокаш боболаримиз номи оқланди. “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи реконструкция қилиниб, минглаб янги ҳужжатлар билан тўлдирилди. Худудларда ҳам шундай музейлар ташкил этилди. Бу йил жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонляпмиз. Бухоро шаҳрида Жадиждлар мероси давлат музейи ташкил қилинмоқда.*

Энди буларнинг мазмунини, “тирик” тарихимизни халқимизга кенгроқ етказиш керак.

Мана, ўтган йилдан эътиборан, ҳар йили октябрнинг биринчи ҳафтасини Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида белгиладик. Бу йил ушбу тадбир Хотира ва тарбия ҳафталиги сифатида ўтказилади. Хўш, бу ҳафталикда халқимизга нималарни етказамиз, ёшларимизга нимани ўргатамиз? Тарихчи олимлар, ёзувчи-шоирлар билан бирга буни чуқурроқ ўйлаб, халқчил, оммабоп қилиб йўлга қўйиш керак. Мактаб ва университетларда қўшимча дарслар, телеканалларда махсус кўрсатувлар бериш, ёшлар ўртасида танловлар ўтказиш мумкин. Мустақиллик қандай буюк неъмат эканини, қандай кучли аجدодларимиз борлигини элнинг қон-

*қонига сингдириш керак. Агар ёшларимиз руҳан кучли бўлса, ўз олдига катта мақсадлар қўяди, фанларни яхши ўрганади, етук шахслар бўлиб етишади.*

Бу борада миллат ойдинлари ҳаётини ўрганиш ғоят муҳим экани таъкидланди.

*– Жадид боболаримиз ҳар соҳада илғор эди. Биринчи ўзбек романи, театр ва кино асарлари, турли фанлар бўйича дарсликларни айнан улар яратган. Ўтган асрнинг 20-йилларида Германияда таҳсил олган туркистонлик талабалар қатағон қилинмаганида, бутун жамиятни ўзгартирарди. Бор тарихимизни тўғри етказа олсак, ёшларимиз бошқа қаҳрамон изламайди, етук боболаримиз бунинг учун тайёр намуна, – деди Президент.*

Бундай маънавий асос умуммиллий бирлик ва барқарорлик учун ҳам зарур. Бугун дунёдаги вазият таҳликали бўлиб борапти. Давлатларнинг мустақиллигига таҳдидлар пайдо бўляпти. Буларнинг барчаси биздан доимо огоҳ ва ҳамжиҳат бўлиб, ислоҳотларни изчил давом эттиришни талаб қилади.

Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, одамлар эртанги кунга ишонч билан яшаяпти. Бу – энг катта бойлигимиз.

Уламолар юртимиздаги шу тинчлик-хотиржамлик, файзу барака барқарор бўлишини тилаб дуолар қилишди.